

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ДЖУМАНИЯЗОВА ГУЛНОЗА МАДРАХИМОВНА**

**СУТ БЕЗИ САРАТОННИНГ КАМ УЧРАЙДИГАН ГИСТОЛОГИК  
ШАКЛЛАРИНИ ДАВОЛАШГА ПЕРСОНАЛЛАШГАН ЁНДАШУВ**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)**

**Джуманиязова Гулноза Мадрахимовна**

Сут беги саратонининг кам учрайдиган гистологик

шаклларини даволашга персоналлашган ёндашув.....3

**Джуманиязова Гулноза Мадрахимовна**

Персонализированный подход к лечению редких

гистологических форм рака молочной железы.....31

**Djumaniyazova Gulnoza Madraximovna**

Personalized approach to the treatment of rare

histological forms of breast cancer.....59

**Список опубликованных работ**

**Нашр қилинган ишлар рўйхати**

**List of published works.....64**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ДЖУМАНИЯЗОВА ГУЛНОЗА МАДРАХИМОВНА**

**СУТ БЕЗИ САРАТОННИНГ КАМ УЧРАЙДИГАН ГИСТОЛОГИК  
ШАКЛЛАРИНИ ДАВОЛАШГА ПЕРСОНАЛЛАШГАН ЁНДАШУВ**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Tib3170 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-сайтида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каххаров Алишер Жамолиддинович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Алимходжаева Лола Тельмановна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Абдрахманова Алия Жаналыковна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Техас Университетининг MD Anderson номли онкологик маркази (АҚШ)**

Диссертация ҳимояси 2025 й. «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да соат \_\_\_\_\_да Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий даражалар бериш бўйича DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13; e-mail: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-сон билан рўйхатдан ўтказилган). манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13.

Диссертация автореферати тарқатилди «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 йилда.  
(2025 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_-сонли юбориш протоколи реестри).

**М.Н.Тилляшайхов**

Илмий даражалар бериш бўйича илмий Кенгаш раис  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А.Адилходжаев**

Илмий даражалар бериш бўйича илмий Кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Х.Ходжибеков**

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Сут беши саратони (СБС) энг кўп ўрганилган онкологик касалликлардан бири бўлишига қарамасдан, унинг камдан-кам учрайдиган гистологик шакллари, «.....жумладан, медуляр, крибриформ, тубуляр ва метапластик саратон шакллари ҳали ҳам етарли даражада ўрганилмаган.....»<sup>1</sup>. Уларнинг ноёб биологик ўзига хосликлари ва клиник хусусиятлари кўпинча кенг тарқалган шакллардан фарқ қилади, бу эса уларни чуқурроқ ўрганишни талаб этади. Сут беши саратонининг кенг тарқалган турларига асосланган анъанавий даволаш усуллари ҳар доим ҳам самарали ҳисобланмайди, бу эса қайталаниш ва асоратлар хавфи ортишига олиб келади. Тадқиқотнинг долзарблиги беморларнинг ҳаёт сифати ва яшовчанлик даражасини яхшилаши мумкин бўлган саратоннинг кам учрайдиган турлари учун аниқ ташхислаш мезонлари ва персоналлашган даволаш стратегияларини ишлаб чиқиш зарурати билан боғлиқ<sup>2</sup>. Олинган маълумотлар онкологияда индивидуал ёндашувни қўллаб-қувватловчи янги даволаш протоколларини яратишга ёрдам беради. Шундай қилиб, ушбу йўналишдаги ишлар сут беши саратонининг кам учрайдиган шакллариини ўрганиш ва даволашга муҳим ҳисса қўшмоқда ва бевосита замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда СБС кам учрайдиган шакллариини ташхислаш ва даволаш соҳасида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, улар қуйидагилардан иборат: кам учрайдиган гистологик шакллар билан боғлиқ бўлган ҳолатларни аниқлаш учун беморларнинг ёшини, морфологик ва патологик хусусиятларини ўрганиш, терапевтик стратегияларга таъсирини аниқлаш мақсадида гормонал рецепторлар (ER, PR) экспрессияси ва HER2neu ҳолатини аниқлаш учун иммуногистокимёвий таҳлиллар ўтказиш, турли гистологик субтиплар мавжуд беморларни даволаш натижалари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда жарроҳлик турини ва унинг қайталаниш хавфига таъсирини баҳолаш, саратоннинг гистологик тури, гормонал рецепторлари ҳолати ва пролиферация даражасини ҳисобга олган ҳолда беморларнинг индивидуал хусусиятларига йўналтирилган сут беши саратони кам учрайдиган шакллариининг даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш долзарб муаммо ҳисобланади ва алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, хавфли ўсмалар билан касалланиш кўрсаткичини пасайтириш мақсадида қуйидаги вазифалар белгиланган: аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги,

---

1 Weigelt B, Geyer FC, Reis-Filho JS. Histological types of breast cancer: how special are they? Mol Oncol. 2010;4:192–208.

2 Thennavan A, Beca F, Xia Y, Recio SG, Allison K, Collins LC, Tse GM, Chen YY, Schnitt SJ, Hoadley KA, Beck A, Perou CM. Molecular analysis of TCGA breast cancer histologic types. Cell Genom. 2021 Dec 8;1(3):100067.

сифати ва улардан фойдаланиш қулайлигини ошириш, ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари, диспансер ва патронаж хизматларининг самарали моделларини ишлаб чиқиш, соғлом турмушни қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш. Бу борада «.....аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш.....»<sup>3</sup> борасида вазифалар белгиланди Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, сут беши саратони билан оғриган беморлар учун клиник ва морфологик жиҳатларни ўрганиш ва терапевтик ва профилактика чораларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «тиббий профилактика самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сут беши саратонининг камёб гистологик шакллари ўрганиш муаммоси жуда катта бўшлиқ бўлиб қолмоқда, бу эса ушбу тадқиқотни янада долзарб эканлигини билдиради (Weigelt B. 2020). Сут беши саратонининг кенг тарқалган шакллари борасида умумий тушунча ва даволаш чоралари сезиларли даражада ривожланган бўлса-да, медуляр, крибриформ, тубуляр ва метапластик саратон каби камёб гистологик турлари илмий адабиётларда камроқ эътиборга олинган (Lakhani S. 2012). Улар ҳақида маълумотларнинг чекланганлиги ташхис қўйишда қийинчиликларга ва стандарт даволаш чоралари самара бермаслигига олиб келади.

Бугунги кунга келиб, сут беши саратонининг кам учрайдиган шакллари ҳақидаги мавжуд маълумотларнинг аксарияти кичик ретроспектив тадқиқотларга асосланган бўлиб, улар кўпинча клиник амалиёт учун муҳим аҳамиятга эга эмас. Кўплаб жиҳатлари, жумладан, уларнинг молекуляр-генетик профили, биологик табиати ва турли хил даволаш усулларига муносабати ноаниқ бўлиб қолмоқда (Lehmann B. 2021). Бу эса шифокорларни асосланган клиник қарорлар қабул қилиш ва оптимал даволаш стратегиясини танлаш учун зарур бўлган маълумотлар билан етарли даражада таъминланмаслигига олиб келади.

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

Ушбу омилларни ҳисобга олганда, мазкур тадқиқот ўзига хос долзарб ўрин тутди. Сут беши саратонининг камёб гистологик турларини чуқур таҳлил қилиш мавжуд билим бўшлиқларини тўлдиришга, ташхис қўйишни яхшилаш ва индивидуал даволаш учун асос бўлиши мумкин бўлган амалий маълумотларни тақдим этишга қаратилган. Ушбу тадқиқот натижалари нафақат мавжуд маълумотлар базасини бойитибгина қолмай, балки кейинги тадқиқотлар ва персоналлашган терапевтик ёндашувларни ишлаб чиқиш учун бошланғич нуқта бўлиши мумкин, бу эса камёб шакллар билан оғриган беморларда касаллик оқибатларини яхшилаш учун айниқса муҳимдир (Theppavan A. 2021).

Бугунги кунга қадар Ўзбекистонда сут беши хавфли ўсмаларининг эпидемиологияси, диагностикаси ва даволаш йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди, жумладан: маҳаллий тарқалган сут беши саратонини даволашнинг такомиллашган йўллари (Л.Т.Алимходжаева 2011); Ўзбекистонда сут беши саратонининг эпидемиологик хусусиятлари (Г.Ф.Мирюсупова 2018); сут беши саратонини ташхислаш, даволаш ва башоратлашда ўсма микромуҳитининг аҳамияти (А.Ж. Каххаров 2023), аммо сут беши саратони камёб гистологик шаклларининг клиник кечиши ва даволаш ёндашувидаги ўзига хосликлари ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент тиббиёт академияси №066.01.03002 «Онкологик касалликлар диагностикаси ва даволашнинг замонавий усуллари» (2018-2022 йй) мавзуси доирасида бажарилган илмий тадқиқот режасига киритилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** сут беши саратонининг кам учрайдиган гистологик шаклларини даволашдаги индивидуал ёндашувни ишлаб чиқиш дан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кам учрайдиган гистологик шакллар билан боғлиқ бўлган ҳолатларни аниқлаш учун беморларнинг ёшини, клиник, радиологик ва патоморфологик хусусиятларини ўрганиш;

СБСнинг кам учрайдиган гистологик шаклларининг молекуляр-биологик хусусиятларини аниқлаш мақсадида гормонал рецепторлар (ER, PR) экспрессиясини ва HER2neu статусини аниқлаш учун иммуногистохимёвий таҳлил ўтказиш;

СБСнинг гистологик субтипларига қараб қайталаниш частотасини ўрганиш;

гистологик, молекуляр-биологик хусусиятларга шунингдек, қўлланилган даволаш усулларига қараб, СБСнинг инвазив сут йўли ва кам учрайдиган гистологик субтиплари ўртасидаги рецидивсиз ва умумий яшовчанликнинг қиёсий таҳлили;

сут беши саратонининг кам учрайдиган шаклларини гистологик тури, гормонал рецепторлар ҳолати ва пролиферация даражасини ҳисобга олган

ҳолда беморларнинг индивидуал хусусиятларига йўналтирилган даволаш алгоритмини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти:** Диссертация ишида 2011 йилдан 2022 йилгача Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар филиалида (РИОваРИАТМ ТШФ) даволанган сут беzi саратони ташхиси қўйилган 101 бемор иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети:** радиологик, УТТ, патоморфологик ва молекуляр-биологик тадқиқотлар маълумотларини аниқлашдан ташкил топган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида радиологик, гистопатологик, ИГК ва статистик текшириш усуллари фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

юқори пролифератив фаоллик, якқол лимфацитар инфильтрация ҳамда агрессив кам дифференциаллашган ўсиш модели ҳисобига медуляр ва метапластик саратонининг эрта метастазланишига олиб келувчи инвазив сут йўли саратонига нисбатан маҳаллий лимфа тугунларининг зарарланиш даражаси юқори эканлиги исботланган;

сут беzi саратони башоратлашда ўсманинг юқори пролифератив фаоллигини кўрсаткичи метапластик саратон учун 22 ни ташкил қилиш ва папиляр саратонда яхшироқ прогнозни намоён қилиши учун 15 ўртача, ўсманинг тури ва Ki-67 нинг қийматига боғлиқлик эканлиги аниқланган;

крибриформ саратон уч карра манфий сут беzi саратон билан кечадиган турининг юқори фоизини ташкил қилиши ва унинг рецепторлар экспрессияси йўқлиги ҳисобига қайталаниш даражаси пастлиги исботланган;

сут беzi метапластик саратонида пролиферациянинг юқори даражаси ва агрессив ИГК субтиплари мавжудлиги сабабли қайталанишини олдини олиш учун тез-тез мониторинг ўтказиш зарурлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Тадқиқот натижалари сут беzi саратони камёб турларининг ультратовуш текшируви ва гистологик хусусиятлари ҳақида батафсилроқ маълумот беради, бу эса шифокорларга аниқроқ қиёсий ташхислаш ва адекват даволаш тактикасини танлашда сезиларли даражада зарурлиги аниқланган.

Ўсманинг молекуляр ва гистологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган даволаш алгоритми ҳар бир бемор учун терапевтик режани оптималлаштириш имконини беради. Натижада, даволаш самарадорлигини ошириш ва қайталаниш хавфини камайтириш мумкин, бу эса саратоннинг камёб шакллари даволашда аниқланган.

Турли хил гистологик турдаги ўсмаларнинг жойлашув ҳолатларини ўрганишни сут безининг специфик соҳаларидаги ўсмаларни кўпроқ мақсадли скрининги ва эрта аниқланишида қўллаш мумкин, бу эса даволанишни ўз вақтида бошлаш ва прогнозни яхшилашни аниқланган.

Рецепторлар ҳолати ва саратоннинг гистологик тури ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги маълумотлар таргет ва гормон терапия тўғрисида қарор

қабул қилиш, самаралироқ даволаш стратегиялари билан таъминлаш ва тегишли дориларни танлашни соддалаштириш учун муҳим маълумотларни аниқлайди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** методологик ёндашув ва объектив клиник-функционал, радиологик, морфологик, молекуляр-биологик ва статистик тадқиқот усулларининг натижалари билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, мазкур тадқиқот сут беzi саратонининг медуляр, крибриформ, тубуляр ва метапластик каби камёб гистологик турлари ҳақидаги тушунчани сезиларли даражада кенгайтиради. Ушбу ўсмаларнинг ультратовуш хусусиятлари батафсил таҳлил қилинди, бу мавжуд билимларни янада бойитиш ва ушбу соҳада кейинги тадқиқотларни ўтказиш учун асос яратади, шунингдек, олинган натижалар прогноزلаш ва терапевтик режалаштиришда рецепторлар ҳолати (ER, PR, HER2neu) муҳим эканлигини таъкидлайди ва молекуляр субтиплар ва гистологик хусусиятлар ўртасидаги ўрнатилган алоқалар ўсмаларнинг биологик табиатини ўрганиш учун янги истиқболларни очади ундан ташқари ушбу тадқиқот сут беzi саратони камёб шакллариининг патогенези ва ривожланишига қаратилган келгусидаги илмий ишлар учун асос бўлиб хизмат қилади ҳамда тадқиқотчилар ва клиницистлар томонидан фойдаланиладиган билимлар базасига ўз ҳиссасини қўшади.

Амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижалари, биринчи навбатда, сут беzi саратонига ташхис қўйиш ва даволашни такомиллаштиришда сезиларли амалий қўлланмаларга эга, радиологик, гистологик ва ИГК текширувлардаги батафсил хусусиятлар шифокорларга касалликнинг камёб шакллариини аниқроқ ташхислашда ёрдам беради, бу эса оптимал даволаш тактикасини танлашни осонлаштиради ва ўсмаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган даволаш алгоритми терапевтик ёндашувларни индивидуаллаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва қайталаниш эҳтимолини камайитириш имконини беради, ундан ташқари ушбу маълумотлар, айниқса, кўп тармоқли жамоада иштирок этувчи тиббий онкологлар, жарроҳлар ва рентгенологлар учун фойдали ҳисобланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги.** Сут беzi саратонининг кам учрайдиган гистологик шакллариини даволашга персоналлашган ёндавуш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* юқори пролифератив фаоллик, яққол лимфацитар инфильтрация ҳамда агрессив кам дифференциаллашган ўсиш модели ҳисобига медуляр ва метапластик саратонининг эрта метастазланишига олиб келувчи инвазив сут йўли саратонига нисбатан маҳаллий лимфа тугунларининг зарарланиш даражаси юқори эканлиги исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилоят филиалининг 2024 йил 13 апрелдаги 46-И-сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах вилоят

филиалининг 2024 йил 22 апрелдаги 26-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/48-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Сут беги саратонини янада самарали ташхислаш ва даволаш натижасида касалланиш ва ўлим кўрсаткичини пасайтириш аҳоли ўртасида ногиронлик даражасини камайтириш сингари муҳим ижтимоий аҳамиятга эга ҳисобланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* Шунингдек, у соғлиқни сақлаш тизимида молиявий юкларни камайтириши, касалликларнинг оғир шакллари узоқ муддатли даволаш харажатларини 9,0% камайтириши мумкин. *Хулоса:* Тадқиқот маълумотларига асосланган тавсияларни муваффақиятли амалга ошириш мамлакатда аҳоли саломатлигини умумий даражасини яхшилашга ёрдам беради;

*иккинчи илмий янгилик:* сут беги саратони башоратлашда ўсманинг юқори пролифератив фаоллигини кўрсаткичи метапластик саратон учун 22 ни ташкил қилиш ва папиляр саратонда яхшироқ прогнозни намоён қилиши учун 15 ўртача ўсманинг тури ва Ki-67 нинг қийматига боғлиқлик эканлиги аниқланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилоят филиалининг 2024 йил 13 апрелдаги 46-I-сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах вилоят филиалининг 2024 йил 22 апрелдаги 26-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/48-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* олинган маълумотлар беморларнинг клиник натижалари ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган индивидуал терапевтик ёндашувларни яратишга ёрдам беради. *Иқтисодий самарадорлик:* давлат бюджети маблағларини 9,5 фоизга тежашга эришилди. *Хулоса:* ўсманинг тури Ki-67 даражасини ҳисобга олган ҳолда прогностик моделларни такомиллаштириш беморларнинг умр кўриш давомийлигини ошириш ва касалхонада қолиш вақтини 2-3 кунга қисқартиради.

*учинчи илмий янгилик:* крибриформ саратон уч карра манфий сут беги саратон билан кечадиган турининг юқори фоизини ташкил қилиши ва унинг рецепторлар экспрессияси йўқлиги ҳисобига қайталаниш даражаси пастлиги исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилоят филиалининг 2024 йил 13 апрелдаги 46-I-сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах вилоят филиалининг 2024 йил 22 апрелдаги 26-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/48-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқот клиницистларга даволаш қарорларини қабул қилиш учун янги воситаларни тақдим этади, шу жумладан ўсманинг молекуляр биологик рецепторлари ҳолатини баҳолаш, бу кимётерапия, гормон терапия ва таргет терапия усуллари танлашда фойдали бўлиши мумкин. *Иқтисодий самарадорлик:*

давлат бюджети маблағларини 7,0 фоизга тежашга эришилди. *Хулоса:* тадқиқот терапияни режалаштиришда рецепторлар экспрессияси ҳолатини баҳолашнинг муҳимлигини таъкидлайди, бу даволаш натижаларини яхшилаш ва яшовчанлик самарадорлигини оширишга имкон беради, бу эса беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилайдиган ҳамда касалхонада қолиш вақтини 2-3 кунга қисқартириш орқали ҳар бир бемор учун бюджет маблағларининг 16,0 фоизини тежайди;

*тўртинчи илмий янгилик:* сут беши метапластик саратонида пролиферациянинг юқори даражаси ва агрессив ИГК субтиплари мавжудлиги сабабли қайталанишини олдини олиш учун тез-тез мониторинг ўтказиш зарурлиги исботланганлиги. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилоят филиалининг 2024 йил 13 апрелдаги 46-И-сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах вилоят филиалининг 2024 йил 22 апрелдаги 26-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/48-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ушбу тадқиқот беморларнинг ҳаёт сифатини янада аниқ ва самарали терапевтик стратегиялар орқали яхшилайдиган, бу эса ножўя таъсирларни камайтиришга ва беморлар психологик ҳолатини яхшилашга олиб келади. *Иқтисодий самарадорлик:* янги усулнинг жорий этилиши аниқроқ прогнозлаш ҳисобига даволаш харажатларини камайтириш ва беморларнинг айрим кичик гуруҳлари учун самарасиз ёки кераксиз (ортиқча) бўлиши мумкин бўлган ортиқча муолажалар ва даволаш усуллари камайтириш имконини беради. *Хулоса:* янги усулни жорий этиш, беморларнинг самарасиз ёки кераксиз (ортиқча) бўлиши мумкин бўлган ортиқча муолажалар ва даволаш усуллари аниқроқ башорат қилиш ва камайтириш орқали даволаш харажатларини 15,5 фоизга камайтириш имконини беради;

Г.М. Джуманиязованинг «Сут беши саратонининг кам учрайдиган гистологик шакллари даволашга персоналлашган ёндашув» мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 4 та илмий янгилик бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Тошкент тиббиёт академиясининг 2024 йилдаги 6-декабрдаги 09/22677-сон хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

**Илмий натижаларнинг апробацияси.** Ушбу тадқиқотнинг натижалари 6 илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 5 халқаро ва 1 республика конференцияларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий мақола чоп этилган бўлиб, шундан: 3 та журнал мақолалари, шу жумладан диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган 2 та Республика ва 1 та хорижий журналларда, 1 та услубий тавсиянома, 10 та тезислар нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 112 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгорлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилик ва амалий натижалар келтирилган, олинган маълумотларнинг илмий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши очиб берилган.

Диссертациясининг **«Сут беи саратонининг кам учрайдиган гистологик шакллари мавжуд беморларни даволаш ва ташхислашдаги ёндашув тенденциялари ва хусусиятлари (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида СБС кам учрайдиган гистологик шакллариининг ҳозирги эпидемиологик ҳолати, замонавий диагностика ва даволаш турлари тўғрисида илмий маълумотлар чуқур таҳлил қилинган, уларни умумлаштириш ва тизимлаштириш амалга оширилган. Ушбу муаммога бағишланган маҳаллий ва хорижий адабиётлар ўрганилган, СБС кам учрайдиган гистологик шакллариини даволаш турлари ва уларнинг касалликларга таъсирини ўрганиш муаммосининг ҳозирги ҳолати кўриб чиқилган, кейинги ечимларни талаб қиладиган долзарб масалалар шакллантирилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида илмий тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари аниқланган.

Диссертациянинг **«Клиник материалнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва фойдаланилган тадқиқот усуллариининг умумий тавсифи берилган. СБС кам учрайдиган гистологик шакллари билан оғриган беморларни турли клиник ва гистологик хусусиятларини ва уларнинг тана вазн индекси, хайз кўриш функцияси ва бошқа клиник морфологик ва молекуляр-биологик омиллар билан боғлиқлигини ўрганиш учун биз Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали маммология бўлимида даволанган 101 бемордан иборат гуруҳ шакллантирдик. Беморларнинг ўртача ёши 53 ёшдан 65 ёшгача ташкил қилди. Тадқиқот иштирокчилари клиник натижалар асосида икки прогностик гуруҳга ажратилди. I гуруҳ асосий гуруҳ унга СБС нинг кам учрайдиган гистологик турлари бор 75 нафар беморлар, II гуруҳ назорат гуруҳи бўлиб инвазив сут йўли саратони ташхиси кўйилган 26 нафар беморлар танлаб олинди.

Намуна ҳажми махсус формулалар орқали аниқланганда, беморлар сони 26 нафар ва ундан юқори бўлганда ишончлилиқ даражаси тўғри

бўлиши аниқланди.

Диссертация ишимизда сут беши саратонининг куйидаги гистологик вариантлари: инвазив сут йули саратони 26 (25,7%), крибриформ 23 (22,8%), медуляр 9 (8,9%), метапластик 9 (8,9%), папиляр 1 (1,0%) шиллик саратони 23 (22,8%), тубуляр 10 (9,9%) танлаб олинган.

Сут бешида ҳавфли ўсманинг жойлашган жойини аниқлаш учун тадқиқот доирасида сут бешини УТТ ва маммография текшируви ўтказилди. Диагностик УТТ конвекс ва чизикли датчиклар билан жихозланган эксперт класс ультратовуш аппарати Mindray DC-40 ёрдамида 7,5-12 МГц да амалга оширилди. Энг асосий УТТ характеристикалари ўсманинг структураси гетероген 24 (23,8%), гомоген 77 (76,2%) ҳолатда, ўсманинг эхогенлиги сезирарли 1 (1,0%), юқори 7 (6,9%), паст 50 (49,5%), ўртача 43 (42,6%) ҳолатда, орқа сояланишнинг мавжудлиги 49 (48,5%) аниқланиб, 52 (51,5%) ҳолатда сояланиш аниқланмади. Маҳаллий лимфа тугунларининг зарарланиши 41 (40,6%), ҳолатда аниқланиб, 60 (59,4%) ҳолатда зарарланиш кайд этилмади. Гиперэхоген халқа 32 (37,7%) ҳолларда аниқланиб, қолган 69 (68,3%) ҳолатда аниқланмади.

Маммография текшируви иккита асосий проекцияда олинди: 1-тўғридан-тўғри, 2-медиолатерал. Маммография текшируви орқали 16 та беморда микрокальцификациялар борлиги аниқланди ва 85 нафар беморда бу ҳолат аниқланмади.

Беморларни баҳолаш ва ўсма жараёнининг босқичига қараб тақсимлашда Саратон касаллигини ўрганиш бўйича Америка Саратонга қарши жамиятининг (American Joint Committee of Cancer – AJCC 2018 йил 8-нашри) стратификацияси қўлланилди. 1-жадвалда TNM таснифига кўра, Т ва N мезонлари бўйича сут беши саратони таснифининг қисқача мазмуни келтирилган. 6 та беморда (5,9%) ўсма 2 см ўлчамда бўлиб, 95% ишончилилик интервали (95% CI) 2,2% дан 12,5% гача бўлган, бу намунадаги бундай ўсмаларни аниқлаш даражаси пастлигини кўрсатади. Энг кенг тарқалган тоифадаги 62 бемор (61,4%) T2 сифатида таснифланган, бу ерда ўсма 2 см дан катта, лекин 5 см дан кам, кенг 95% CI 51,2% дан 70,9% гача. Бу шуни кўрсатадики, эрта аниқланган сут беши саратони ҳолатларининг аксарияти ушбу тоифага киради. 11 беморда (10,9%) ўсмалар > 5 см, 95% CI 5,6% дан 18,7% гача. Бу касалликнинг янада агрессив намоён бўлишини кўрсатади. 22 беморда (21,8%) кўкрак қафаси деворига ёки терига ўсма инвазия қилган бўлиб, 95% CI 14,2% дан 31,1% гача бўлган.

N мезони метастазларнинг мавжудлигига қараб маҳаллий лимфа тугунларининг ҳолатини кўрсатади. 19 беморда (18,8%) маҳаллий лимфа тугунларида метастазлар йўқ, 95% CI 11,7% дан 27,8% гача. Бу ҳозирги вақтда саратон тарқалишининг нисбатан паст даражасини кўрсатади. 75 бемор (74,3%) 1-3 маҳаллий лимфа тугунларида метастазлар бўлиб, 95% CI 64,6% дан 82,4% гача. Ушбу тоифа намунанинг асосий қисмини ташкил этди ва шу билан ушбу гуруҳдаги лимфа тугунларининг ҳолатини баҳолашнинг юқори долзарблигини кўрсатди. 6 беморда (5,9%) 4-9 та маҳаллий лимфа

тугунларида метастазлар мавжуд бўлиб, 95% CI 2,2% дан 12,5% гача, бу ушбу намунада нисбатан кам учрайдиган ҳолатдир. 1 беморда (1,0%) 10 ёки ундан ортиқ маҳаллий лимфа тугунларида метастазлар мавжуд бўлиб, 95% CI 0,0% дан 5,4% гача. Бу ушбу тоифага кирадиган касалликнинг жуда юқори даражадаги инвазивлиги ва агрессивлигини кўрсатади. (1-жадвалга қаранг)

1–жадвал

Тадқиқот иштирокчилари орасида Т ва N мезони таҳлили

Кўрсаткичлар	Категориялар	Абс.	%	95% ДИ
Т мезони	Т 1	6	5,9	2,2 – 12,5
	Т 2	62	61,4	51,2 – 70,9
	Т 3	11	10,9	5,6 – 18,7
	Т 4	22	21,8	14,2 – 31,1
N мезони	N 0	19	18,8	11,7 – 27,8
	N 1	75	74,3	64,6 – 82,4
	N 2	6	5,9	2,2 – 12,5
	N 3	1	1,0	0,0 – 5,4

Ўсма тўқима рецептор экспрессияси аниқлаш мақсадида иммуногистохимёвий текшириш ўтказилди. Мазкур усулга мос ҳолда иммуногистогимёвий тадқиқотлар МЧЖ Medoifarm «PREMIUM DIAGNOSTICS» ташхислаш клиникаси базасида олиб борилди. Архив материалларининг иммуногистогимёвий тадқиқотлари Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Уйғур кўчаси 618-А уйида жойлашган, МЧЖ «Premium Diagnostics» лаборатория шароитларида олиб борилди.

Текширув натижаларига кўра иммуногистохимёвий субтиплар: HER2neu мусбат ҳолати 30 (29,7%), люминал В тип 20 (19,8%), люминал А тип 19 (18,8%), УКМСБС 32 (31,7%) натижалари олинди. (2-жадвалга қаранг)

2–жадвал

Ўсма жараёнининг тўқима тузилишини иммуногистохимёвий текшириш натижалари

Кўрсаткичлар	Категориялар	Абс.	%	95% ДИ
ИГК субтипи	HER2neu	30	29,7	21,0 – 39,6
	люминал В тип	20	19,8	12,5 – 28,9
	люминал А тип	19	18,8	11,7 – 27,8
	УКМСБС	32	31,7	22,8 – 41,7
ER рецептори	манфий ҳолат	62	61,4	51,2 – 70,9
	мусбат ҳолат	39	38,6	29,1 – 48,8
PR рецептори	манфий ҳолат	62	61,4	51,2 – 70,9
	мусбат ҳолат	39	38,6	29,1 – 48,8
HER2neu ҳолати	манфий ҳолат	71	70,3	60,4 – 79,0
	мусбат ҳолат	30	29,7	21,0 – 39,6
Пролиферация даражаси	пролиферация даражаси юқори	23	22,8	15,0 – 32,2
	пролиферация даражаси паст	23	22,8	15,0 – 32,2
	пролиферация даражаси ўртача	55	54,5	44,2 – 64,4

Кі-67 индекси юкори даражаси 23 (22,8%) холатда, паст даражаси 23 (22,8%) холатда ва ўртача пролиферация даражаси 55 (54,5%) холатларда аниқланди.

Диссертациянинг «Сут беzi саратонининг кам учрайдиган гистологик турларининг клиник-диагностик хусусиятларининг таҳлили» деб номланган учинчи бобида диссертация ишининг клиник-диагностик хусусиятларни таҳлил қилишда гистологик турлар ва турли клиник ва диагностик параметрлар (ёш, тана массаси индекси, ўсма локализацияси, ультратовуш характеристикалари ва бошқалар) ўртасидаги боғлиқликларнинг батафсил таҳлили ўтказилган.


Ушбу бобда сут беzi саратонининг гистологик турига кўра беморлар ёши таҳлил қилинди. (1-расмга қаранг)

Таҳлил қилиш учун биз параметрли бўлмаган статистик усул - Краскал-Уоллис тестидан фойдаландик, бу бизга бир нечта мустақил намуналар орасидаги фарқларни баҳолаш имконини беради.

Таҳлиллар натижасида сут беzi саратонининг турли гистологик турлари билан оғриган беморларнинг ўртача (М) ёши 53 ёшдан 65 ёшгача бўлган. Энг юкори ўртача ёш папиляр саратони билан оғриган беморларда (65 ёш) кузатилган, аммо шуни таъкидлаш керакки, ушбу турдаги намуна фақат битта холатдан иборат. Энг паст ўртача ёш метапластик саратон билан оғриган беморларда (53 ёш) кузатилди.

Гистологик турлар орасида ёш кўрсаткичларидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларни кўрсатмади ( $p=0,535$ ). Ушбу  $p$  қиймати тадқиқот асосида беморнинг ёши ушбу намунадаги гистологик саратон турларининг тарқалишига сезиларли таъсир кўрсатмаслигини кўрсатади.

Шундай қилиб, ушбу тадқиқотга кўра бемор ёшини СБСнинг турли гистологик турлари орасида сезиларли даражада фарқ қилувчи омил сифатида кўриб чиқиш мумкин эмас деган хулосага келиш мумкин.



1-расм. Гистологик турларга караб ёш таҳлили (1-инвазив сут йўли саратони, 2-крибриформ саратон, 3-медуляр саратон, 4-метапластик саратон, 5-папиляр саратон, 6-шиллик саратон, 7-тубуляр саратон)

Ушбу тадқиқотда сут беzi саратонининг турли гистологик турлари мавжуд беморларда кўп ўчоқли ва бир ўчоқли шакллар тақсимланиш тенденциясини аниқлаш учун ўсмаларнинг ўсиш шакли таҳлил қилинди. Натижалар саратон турлари ўртасида ўсиш шакллари фарқланишини кўрсатди. (3-жадвалга қаранг)

3-жадвал

Сут беzi саратонининг турли гистологик турлари орасида ўсманинг ўсиш шакли таҳлили

Кўрсаткичлар	Категориялар	Ўсиш шакли		$\chi^2$	df	P
		Кўп ўчоқли	Бир ўчоқли			
Гистологик тури:	инвазив сут йўли саратони	8 (30,8)	18 (69,2)	6,466	6	0,373
	крибриформ саратон	6 (26,1)	17 (73,9)			
	медуляр саратон	2 (22,2)	7 (77,8)			
	метапластик саратон	6 (66,7)	3 (33,3)			
	папиляр саратон	0 (0,0)	1 (100,0)			
	шиллик саратони	9 (39,1)	14 (60,9)			
	тубуляр саратон	4 (40,0)	6 (60,0)			

Юқорида келтирилган жадвалдан шундай хулоса қилиш мумкинки инвазив сут йўли саратони билан касалланган беморлар орасида ўсмаларнинг 30,8% кўп ўчоқли, 69,2% эса бир ўчоқли эканлиги кузатилди. Бу шуни англатадики, ушбу гуруҳда бир ўчоқли шакл устунлик қилади.

Крибриформ саратон гуруҳида ўсмаларнинг 26,1% кўп ўчоқли шаклга эга бўлса, бир ўчоқли 73,9%. Худди шундай, медуляр саратонда кўп ўчоқли ўсмалар 22,2% ни ташкил қилади, бу ҳам бир ўчоқли шаклларнинг (77,8%) устунлигини кўрсатади.

Метапластик саратон кўп ўчоқли шаклнинг энг юқори частотасини кўрсатди 66,7%, ўсмаларнинг 33,3% эса бир ўчоқли шаклга эга. Бу метапластик саратоннинг кўп ўчоқли ривожланишга мойиллигини кўрсатиши мумкин.

Папиляр саратон мавжуд беморда ягона ҳолат бир ўчоқли шаклни кўрсатди. Шиллик саратони гуруҳида 39,1% кўп ўчоқли шаклга эга, 60,9% эса бир ўчоқлидир.

Тубуляр саратонда ўсмаларнинг 40% кўп ўчоқли, 60% эса бир ўчоқлидир. Умуман олганда, тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, сут беzi саратонининг кўпгина гистологик турлари асосан бир ўчоқли ўсиш

шаклига эга, аммо метапластик саратон бошқа турлардан кўп ўчоқли ўсмаларнинг устунлиги билан ажралиб туради. Ушбу маълумотлар ўсмаларнинг биологиясини тушуниш, шунингдек, сут беши саратонининг турли гистологик субтиплари мавжуд беморларда келгуси индивидуал даволаш ва оқибатларни прогноз қилиш учун муҳим бўлиши мумкин.

Ушбу тадқиқотда турли хил гистологик турдаги СБС мавжуд беморларда маҳаллий лимфа тугунларининг зарарланиши таҳлил қилинди. Ушбу таҳлилнинг мақсади саратон тури ва касалликнинг босқичини баҳолашда ва натижани башорат қилишда муҳим роль ўйнайдиган лимфа тугунларининг зарарланиши мавжудлиги ўртасидаги муносабатни ўрганиш эди. (4-жадвалга қаранг)

4-жадвал

Маҳаллий лимфа тугунларининг зарарланиш таҳлили натижалари

Кўрсаткичлар	Категориялар	Маҳаллий лимфа тугунларининг зарарланиши		$\chi^2$	Df	P
		Мавжуд	Мавжуд эмас			
Гистологик тури:	инвазив сут йўли саратони	8 (30,8)	18 (69,2)	5,66	6	0,462
	крибриформ саратон	11 (47,8)	12 (52,2)			
	медуляр саратон	4 (44,4)	5 (55,6)			
	метапластик саратон	5 (55,6)	4 (44,4)			
	папиляр саратон	0 (0,0)	1 (100,0)			
	шиллик саратони	7 (30,4)	16 (69,6)			
	тубуляр саратон	6 (60,0)	4 (40,0)			

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, инвазив сут йўли саратони мавжуд беморларнинг 30,8 фоизида маҳаллий лимфа тугунлари зарарланиши кузатилган, 69,2% да эса кузатилмаган. Бу шуни кўрсатадики, ушбу саратон турига чалинган беморларнинг учдан биридан камроғида лимфа тугунларининг зарарланиши мавжуд. Крибриформ саратон учун беморларнинг 47,8% да лимфа тугунларининг зарарланиши кузатилган, бу инвазив сут йўли саратони билан солиштирганда лимфа тугунларининг зарарланиши юқорилигини кўрсатади. Медуляр саратон гуруҳида ўсмаларнинг 44,4% лимфа тугуни зарарланишини кўрсатди, бу ушбу турда ҳам зарарланиш эҳтимоли мавжудлигини тасдиқлайди.

Метапластик саратонда 55,6% ни ташкил этди, бу лимфа тугунларининг сезиларли даражада зарарланишини кўрсатади. Папиляр саратонда ҳеч қандай зарарланиш бўлмаган битта ҳолат қайд этилган. Шиллик саратони гуруҳида беморларнинг 30,4% инвазив сут йўли саратони даражасига ўхшаш зарарланишга эга эди. Ниҳоят, тубуляр саратоннинг 60% да лимфа тугунлари

зарарланишининг энг юқори частотаси кузатилди, бу ушбу субтипда лимфа тугунларининг зарарланиш хавфи юқори эканлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, маҳаллий лимфа тугунларининг зарарланиши сут беши саратонининг гистологик турига қараб ўзгаради. Крибриформ, медуляр ва метапластик саратонлар инвазив сут йўли саратонлари билан солиштирилганда юқори даражадаги зарарланишни намоён қилади. Ушбу маълумотлар клиник амалиёт учун муҳим бўлиши мумкин, чунки лимфа тугунларининг зарарланиши даволаш тактикасига таъсир қилувчи ва натижаларни башорат қилувчи жиддий прогностик омил ҳисобланади.

**Диссертациянинг «Кам учрайдиган гистологик шаклларнинг гистологик ва молекуляр биологик хусусиятларини таҳлил қилиш ва даволаш стратегиясини ишлаб чиқиш»** деб номланган тўртинчи бобида СБСнинг гистологик турига кўра Т мезони таҳлили ўтказилди.

Ушбу тадқиқотда сут беши саратонининг гистологик турига кўра Т мезони таҳлил қилинди. Ушбу таҳлилнинг мақсади турли хил саратон субтиплари ўсма ўлчами ва жойлашувини аниқлаш учун қўлланиладиган Т мезонига кўра таснифга қандай таъсир қилишини ўрганиш эди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, инвазив сут йўли саратони мавжуд беморларда Т1 босқич ҳолатлари йўқ. Ўсмаларнинг 80,8% Т2 босқичда, 7,7% Т3 ва 11,5% Т4 босқичда бўлган.

Шунингдек, крибриформ саратон гуруҳида Т1 ҳолатлари қайд этилмаган; Ўсмаларнинг 65,2% Т2, 13% Т3 ва 21,7% Т4 босқичига тўғри келди. Т2 ва Т4 босқичларининг частотаси, шунингдек, саратоннинг ушбу турида чекланган тарқалишининг умумий намунасини кўрсатди.

Медуляр саратонда барча босқич ҳолатлари қайд этилган: 11,1% Т1, 44,4% Т2, 11,1% Т3 ва 33,3% Т4 бўлиб, бу кўпроқ турли хил босқичлар тақсимотини кўрсатади.

Метапластик саратон Т1 босқичида 11,1%, Т2да 33,3%, Т3да 22,2% ва Т4да 33,3% ни кўрсатди, бу ҳам ушбу гуруҳдаги ўсма босқичларида баъзи ўзгарувчанликларни кўрсатади. Папиляр саратонда Т4 босқичидаги фақат битта ҳолат қайд этилган бўлиб, бошқа босқичлар кузатилмади.

Шиллик саратони гуруҳида ўсмаларнинг 8,7% Т1, 56,5% Т2, 8,7% Т3 ва 26,1% Т4 бўлиб, Т2 босқичининг устунлигини тасдиқлайди. Тубуляр саратон қуйидаги ҳолатни кўрсатди: Т1 20%, Т2 60%, Т3 10% ва Т4 10%, бу эрта босқичдаги ўсмаларнинг сезиларли даражада мавжудлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, сут беши саратонининг турли гистологик турлари орасида Т мезони тақсимоти фарқ қилади. Инвазив сут йўли, крибриформ ва шиллик саратони аксарият ҳолатларда Т2 ва Т4 босқичларида тўпланган, медуляр ва метапластик саратонлар эса кенгрок микёсдаги босқичларни кўрсатади. Ушбу маълумотлар клиник амалиёт учун муҳим аҳамиятга эга, чунки ўсма босқичини тушуниш сут беши саратони билан оғриган беморларда оптимал даволаш стратегиясини танлаш ва оқибатларни башорат қилиш учун жуда муҳимдир.

СБСнинг гистологик турига қараб N мезонининг таҳлили ўтказилди. Ушбу тадқиқотда СБС гистологик турига қараб N мезонини таҳлил қилинди. Ушбу мезон ўсманинг тарқалиш даражасини баҳолашга, шунингдек унинг табиати ва даволаш стратегиясини танлашга имкон беради.

Таҳлил натижалари саратоннинг турли гистологик турлари орасида N мезонига кўра тақсимланишни кўрсатади. Инвазив сут йўли саратони билан оғриган гуруҳда беморларнинг 30,8% N0 босқичида, 61,5% N1 босқичида 7,7% N2 босқичида бўлган. Ҳеч бир беморда N3 босқичи кузатилмади.

Крибриформ саратон гуруҳида ўсмаларнинг 17,4% N0, 78,3% N1 ва 4,3% N2 эди. Бу битта лимфа тугунлари зарарланган беморларнинг жуда юқори фоизини кўрсатади. Медуляр саратонда 22,2% N0 босқич ва 77,8% N1 босқич бўлиб, лимфа тугунлари сезиларли даражада катталашмаган бирламчи зарарланишлар устунлигини кўрсатади.

Метапластик саратонда 100% N1 босқичи кузатилди, бу ушбу гуруҳдаги лимфа тугунларининг зарарланиш эҳтимоллиги юқори эканлигини кўрсатади. Папилляр саратонда N1 босқичидаги фақат битта ҳолат кузатилди, бошқа босқичларда қайд этилган ҳолатлар йўқ. Шиллик саратони мавжуд беморлар орасида 13,0% N0 босқич, 73,9% N1 босқич, 8,7% N2 ва 4,3% N3 босқич мавжуд бўлиб, бу ушбу гуруҳда босқичларнинг хилма-хиллигини намоён қилади.

Ниҳоят, тубуляр саратон гуруҳида 20% N0, 70% N1 ва 10% N2 бор бўлиб, бу ушбу субтипда лимфа тугунларининг зарарланиши нисбатан паст даражада эканлигини тасдиқлайди.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, сут беши саратони гистологик турларининг кўпчилигида яқка лимфа тугунларининг зарарланиши (N1) юқори бўлиб, N3 босқичи эса ўрганилаётган турларнинг бирортасида кузатилмади. Бу намунанинг асосан маҳаллий лимфа тугунлари билан чегараланган ўсмалар намоён бўлганлигини кўрсатади, бу эса даволаш ва башорат қилишдаги клиник ёндашувни эътиборга олишда муҳим ҳисобланади. Ушбу муносабатларни тушуниш даволаш усуллари танлашга ва қайталаниш хавфини баҳолашга ёрдам беради.

Ушбу тадқиқотда ўсманинг гистологик турига кўра сут беши саратони ИГК субтипи таҳлили ўтказилди. Ушбу таҳлилнинг асосий мақсади ИГК субтиплари ва саратоннинг турли гистологик субтиплари ўртасидаги муносабатларни аниқлаш эди, бу прогнозни аниқлаш ва даволаш стратегиясини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Натижалар шуни кўрсатадики, инвазив сут йўли саратони мавжуд беморларнинг 23,1% да HER2neu субтипи, 30,8% да люминал В тип, 23,1% да люминал А тури ва 23,1% УКМСБСга эга эди. Бу ушбу гуруҳдаги ИГК субтиплари етарлича мувозанатли тақсимланганлигини кўрсатади.

Крибриформ саратон гуруҳида беморларнинг 26,1% HER2neu, 8,7% люминал В тип, 21,7% люминал А тури ва 43,5% УКМСБС бор эди. УКМСБСнинг юқори фоизи ушбу субтипнинг агрессив эканлигини кўрсатади.

Медуляр саратони натижаларида HER2neu субтипи 66,7% ни кўрсатди, люминал В турдаги ҳолатлар мавжуд эмас, люминал А тури 11,1% ва УКМСБС 22,2%. Бу саратоннинг ушбу турида HER2neuning устунлигини кўрсатиши мумкин ва медуляр саратон ушбу хусусиятлари асосида даволаниш имкониятига эгадир.

Метапластик саратонда HER2neu субтипи 22,2%, люминал В субтипи 22,2% ва УКМСБС 55,6% ни кўрсатди, бу эса агрессивлик билан боғлиқ сезиларли миқдорни намоён қилади.

Папиляр саратон биргина ҳолатда (100%) люминал В типини кўрсатди, бу кичик намуна ҳажмини ҳисобга олган ҳолда ушбу гуруҳдаги бошқа субтипларни таҳлил қилишни инкор этади.

Шиллиқ саратони HER2neu субтипида 26,1%, люминал В типиди 17,4%, люминал А типиди 21,7% ва УКМСБСда 34,8% ни кўрсатади. Бу шунингдек, ушбу туптип орасида турли характерли хусусиятлар мавжудлигини кўрсатди.

Ниҳоят, тубуляр саратонда HER2neu субтип 40%, люминал В типиди 30%, люминал А типиди 20% ва УКМСБС 10% ни кўрсатди.

Умуман олганда, таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, сут беши саратонининг ИГК субтиплари турли гистологик турларга кўра фарқланади. Субтипларни тақсимланиш хусусиятлари, масалан, крибриформ ва метапластик саратонлар орасида УКМСБСнинг юқори частотаси, бу ҳолатларда даволанишга янада агрессив ёндашув зарурлигини кўрсатиши мумкин. Гистологик ва ИГК субтиплар ўртасидаги боғлиқликни тушуниш сут беши саратони билан оғриган беморларда энг тўғри даволаш усулларини танлашга ва оқибатларни башорат қилишга ёрдам беради.

HER2neu ҳолатини таҳлил қилиш сут беши саратонининг гистологик турига қараб ўтказилди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, инвазив сут йўли саратони мавжуд беморлар орасида 76,9% манфий HER2neu ҳолатига эга, 23,1% эса мусбат ҳолатни кўрсатди. Бу шуни кўрсатадики, ушбу саратон турига эга бўлган беморларнинг аксарияти HER2neuni ортикча экспрессия қилмайди.

Крибриформ саратон гуруҳида беморларнинг 73,9% манфий ҳолатга эга, 26,1% эса мусбат ҳолатга эга эди. Бу ҳам манфий ҳолатга эга бўлган юқори фоизни кўрсатади, аммо мусбат ва манфий ҳолат ўртасидаги фарқ инвазив сут йўли саратонига қараганда каттароқдир.

Медуляр саратони 33,3% манфий ва 66,7% мусбат кўрсатди, бу юқори HER2neu даражасини кўрсатади ва ушбу гуруҳда янада агрессив касалликни намоён қилиши мумкин.

Метапластик саратон 77,8% манфий ҳолатга ва 22,2% мусбат ҳолатга эга бўлиб, бу яна манфий ҳолатнинг устунлигини кўрсатади, аммо медуляр саратонга қараганда мусбат ҳолатлар камроқ аҳамиятга эга.

Папиляр саратон касаллигида HER2neu мусбатлигини (100%) кўрсатадиган фақат битта ҳолат мавжуд бўлиб, бу гуруҳни камёб қилади, аммо кичик намуна ҳажми туфайли кенг камровли хулосалар чиқаришга имкон бермайди.

Шиллиқ саратони гуруҳи 73,9% манфий ҳолатга, 26,1% эса мусбат ҳолатга

эга бўлиб, бу крибриформ саратон натижаларини акс эттиради.

СБСнинг гистологик турига қараб қайталаниш жараёнини таҳлил қилдик. Ушбу тадқиқот ўсманнинг гистологик турига қараб СБС қайталаниш жараёнини таҳлил қилди. Ушбу таҳлилнинг мақсади касалликнинг прогнозини баҳолашга ва даволаш усулларини ишлаб чиқишга ёрдам берадиган турли хил саратон субтипларида қайталаниш қанчалик тез-тез содир бўлишини аниқлаш эди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, инвазив сут йўли саратони билан оғриган беморлар орасида 26,9% ҳолларда қайталаниш билан бирга бўлган, 73,1% ҳолларда эса такрорий қайталаниш кузатилмаган. Бу шуни кўрсатадики, ушбу кичик турдаги беморларнинг сезиларли қисми саратон касаллигининг қайталанишига эга, аммо аксарият ҳолларда касалликнинг қайталаниши кузатилмаган. (5-жадвалга қараңг)

5-жадвал

СБСнинг гистологик турига қараб қайталаниш жараёнини таҳлили

Кўрсаткичлар	Категориялар	Қайталаниш жараёни		$\chi^2$	Df	P
		Мавжуд	Мавжуд эмас			
Гистологик тури:	инвазив сут йўли саратони	7 (26,9)	19 (73,1)	5,605	6	0,469
	крибриформ саратон	3 (13,0)	20 (87,0)			
	медуляр саратон	2 (22,2)	7 (77,8)			
	метапластик саратон	4 (44,4)	5 (55,6)			
	папиляр саратон	0 (0,0)	1 (100,0)			
	шиллик саратони	3 (13,0)	20 (87,0)			
	тубуляр саратон	2 (20,0)	8 (80,0)			


Крибриформ саратон гуруҳида беморларнинг 13,0% да қайталанишнинг мавжудлиги қайд этилган, бу ушбу гуруҳда нисбатан паст қайталаниш кўрсаткичларини кўрсатади—87,0% қайталаниш бўлмаган. Медуляр саратонида 22,2% ҳолларда ҳам қайталаниш кузатилган, беморларнинг 77,8% эса қайталанишни бошдан кечирмаган.

